



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

• 2014-йил, 23-август. Шанба • 101-102 (31.849) **Итимоий-сиёсий газета** • 1918-йил 21-июндан чиқа бoshлаган • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон қахрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шўхратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қахрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Базаров Абдимурат — Қамаш туманидаги «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Маматкулов Шукуржон — Олтинкўл иқтисодиёт коллежи директори, Андижон вилояти

Низамходжаев Зайниддин Махаматович — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жаррохлик маркази бўлим мудир



Базаров Абдимурат



Маматкулов Шукуржон



Низамходжаев Зайниддин Махаматович

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 22 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТЕРМИЗ ШАҲРИНИ «АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида шаҳар ахлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улғу аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари учун

ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳри «Амир Тему́р» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 22 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий гоёни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

Султонов Нормўмин Намозович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик кат-

та театри опера солисти **Ўтбосаров Абдумўмин Абдумажитович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали диктори **Холиқова Муқаддас Шомаксудовна** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»

Чоршанбиев Очил Элмуродович — Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактаби мусиқа фани ўқитувчиси (бахши)

Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

Мадалиев Масуджон Махмудович — «Устазода»

халқ санъати усталари корхонаси қандакор устаси **Муротов Ҳабибиддин Тоҳидинович** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганҷкор уста

Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Каримов Бахтиёр Рауфович — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 90-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиз»

Иброҳимов Илхом Абдуллаевич — «Ўзбекистон» эстрада бирлашмасининг Фаргона вилояти бўлими хонандаси

► Давоми 2-бетда.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

Сурхондарё:

Бу гўзал ва бетакрор юртда истиқомат қилаётган одамлар эртанги кунга катта ишонч билан яшамоқда

Президентимиз Сурхондарё вилоятида бўлганида воҳада кечаётган янгиликлар, иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар ҳақида тўхталар экан, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслиги, бу заминнинг одамлари ўзининг тинимсиз меҳнати ва интилишлари билан катта-катта ютуқларга эриша олишини алоҳида таъкидлаган эди.

Маълумки, бугунги кунда бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Сурхон воҳасида ҳам кенг қамровли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, Термиз шаҳри қиёфаси бутунлай ўзгарди. Мустақиллик йилларида шаҳарни обод қилиш, одамлар муносиб яшаши учун шароитлар яратиш бўйича юз йилда қилинмаган ишлар амалга оширилди. Бу ҳеч ҳам муболаға эмас.



4

ЎзХДП: ҳисобот-сайлов конференциялари

Эришилган натижалар кўлами КЕНГ

Бироқ камчиликларимиз ҳам бор, галдаги вазифаларни белгилашда шундан ҳулоса чиқаришимиз керак

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят ташкилоти конференцияси ўтказиладиган бинога кираверишда иштирокчилар диққатини дастлаб видеолавлар тортди. Унда партия ташаббуслари, ўтказилган тадбирлар тафсилотлари, депутатлар фаолияти намойиш этилаётган эди...

► Давоми 3-бетда.

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Ўзимизга керакли бирор нарса харид қилиш учун бозорга ёки савдо дўконига борамиз. Маҳсулотни кўриб, маъқул келгач, сотиб оламиз. Лекин ҳар бир харид учун бозорга тушиш, дўкон айланиш анча вақтни олади. Бунга ҳар доим ҳам имкон бўлмаслиги мумкин. Шундан бўлса керак, бугун дунёда электрон савдони маъқул кўрувчилар тобора кўпаймоқда. Бу эса электрон тижоратни энг қулай ва хавфсиз шаклда ривожлантириш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Электрон тижорат қандай ривожланади?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига янги қонун лойиҳаси киритилди

► Давоми 3-бетда.

Харидларни электрон тарзда амалга оширишнинг вақтни тежашдан бошқа муҳим афзал томонлари ҳам бор. Бундай харидлар савдо пайтида қатор қулайликлар беради. Чунки электрон савдода, содда қилиб айтилган бўлса, пул қўлдан-қўлга ёки чўнтақдан-чўнтакка ўтмасдан, тўғридан-тўғри бир ҳисоб-рақамидан бошқасига бориб тушади. Натижада пул айланиш тезлиги ортади, молиявий операциялар қисқа муддатда бажарилади. Хуллас, электрон тижорат ривожланиши ҳам сотувчи, ҳам хариддор, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиёти юқалишида ҳам муҳим ўрин тутади.

Энг улуғ, энг азиз байрам

— ижодкорлар нигоҳида

4



Диққат!

«Сиртқи қабул соатлари»

Газетахонлар ва партияимиз електорати вакилларининг истақларини инобатга олиб, тахририятимиз «Сиртқи қабул соатлари» рўқини қайта ташкил этганидан хабарингиз бор. Бу рўқн остида давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари сизни ташвишлантираётган ёки қизиқтираётган саволларга жавоб беради.

«Сиртқи қабул соатлари»нинг дастлабки яқинда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ўтказилди.

НАВБАТДАГИ «ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»-ДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ АНВАР АЛИМОВ САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИ.

Сиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати, имтиёзли тиббий хизмат турлари, тиббий саводхонликнинг аҳамияти каби масалалар билан боғлиқ саволларингизни беришингиз ва тиббий хизматга дахлдор тақлифларингизни билдиришингиз мумкин.

Саволлар 2014 йил 30 августгача қабул қилинади. Мурожаат учун тахририятимиз телефонлари: (8371) 233-06-83, 233-44-55. Факс: (8371) 233-65-45; 233-47-80. Электрон манзил: info@uzbekistonovozi.uz

БАНДЛИК

2009 йилда ўз фаолиятини бошлаган «Кармана гипс маҳсулотлари» корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар айни кунда ички ва ташқи бозорда ўз харидорига эга. Бир йилда ўртача 30 минг тонна энг сифатли ҳисобланган Г-4, Г-6 маркали гипс ва 3 миллион квадрат метр гипскартон ишлаб чиқарилаётган корхонада янги гипс цехи ишга туширилиши натижасида 110 та янги иш ўрни яратилди. Ишга қабул қилинганларнинг аксарияти коллеж битирувчиларидир.

Корхона модернизация қилинди,

натижада 100 дан зиёд янги иш ўрни яратилди

Гипс маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хомашё катта захирага эга бўлган Зафаробод ва Қарнаб тоғларидан олинмоқда. Тайёр маҳсулотлар эса қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон давлатларига экспорт қилинапти.

— Бу йил коллежни тамомладим, — дейди корхона ишчиси Лаиз Жўраев. — Туманимизда ўтказилган «Бўш иш ўринлари ярмаркаси»да иштирок этиб, ушбу корхонага ишлаш учун йўлланма олдим. Ҳозир гипскартон ишлаб чиқариш цехида ишлаяпман. Иш жараёни унчалик мураккаб эмас. Ойлик маошларимиз кўнгилдагидек. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида бизнинг маҳсулотлардан кенг фойдаланилаётганлигидан хурсандимиз.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

Абдуқодирова Шодия Дилшодовна — Ўзбек миллий академик драма театри актриси
Атабаев Алишер Исроилович — Ўзбекистон Кинаорроблар бирлашмаси аъзоси, актёр
Ахмедов Элмурод Фанишеревич — Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли хонандаси
Аширалиев Фурқатбек Даврон ўғли — Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли хонандаси
Бекчанов Александр Сатимович — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри вокал артисти
Гуломова Муҳаббат Юсуфовна — «Истиклол» санъат саройи қошидаги «Тошкент зеболари» рақс ансамбли рақосаси
Мигнаров Абдухалил Абдуллаевич — «Ўзбекфильм» киностудияси актриси
Пиязов Женисбек Буркитович — Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқали театр-студияси опера хонандаси
Рахимов Дилноза Жақимовна — Самарқанд вилояти мусиқали драма театри актриси
Турдиева Юлдуз Чориевна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги ашула ва рақс ансамбли хонандаси
Хайдарова Зарифа Бахромова — Андижон вилояти мусиқали драма ва комедия театри актриси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»

Маврулов Абдухалил Абдулхаевич — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори
Тўйчиева Зумрат — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи бўлим бошлиғи
Умуров Хотам Икромович — Самарқанд давлат университети профессори, адабиётшунос
Хасанова Любовь Тихоновна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори
Хусанов Абдумутал Холмўминович — Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг энгил атлетика бўйича мураббийи
Қувватова Раҳимахон Собиржоновна — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

Абдурахимов Карим Бурҳонович — «Правда Востока» газетасининг Бухоро вилояти бўйича муҳбири
Латипов Чори Тошмуродович — «Кишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири
Ўрмонова Саодат Убаевна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлар» муҳарририят катта муҳаррири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Аяпов Шарипатдин — Нукус давлат педагогика институти академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими бошлиғи, шoir
Башарова Феруза Кутлуковна — «Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририят бўлим мудир
Ғиёсова Гулчеҳра Кўчқоровна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали режиссёри
Жумаев Абдугани Жалилович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фотограф

Мелиев Сувонкул — ЎзФА Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, адабиётшунос
Султонов Исажон Абдураимович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи
Тюрин Александр Иванович — Камолитдин Бехзод номидаги миллий рақс олимпиада ва дизайн институти ўқитувчиси
Хакимова Ровза Мирсалиевна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбектеlevision» студияси овоз режиссёри

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Мурмузаева Гулнора Кўчқоровна — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази референс лабораторияси мудир
Омонов Шавкат Эргашевич — Тошкент педиатрия тиббиёт институти кафедра мудир
Тошпўлатов Абдувоҳид Ганиевич — Республика ихтисослашган суяк хасталиклари ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий маркази директори

Узақбаева Замира Зарликбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси педиатри

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Собиров Фарҳод Шавкатович — Спорт ўйинлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг шахмат бўйича катта мураббийи
Тургунов Ойбек Аширович — Андижон олимпия захиралари коллежи оғир атлетика бўлими мураббийи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Мамазулонов Ойбек Каримшер ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Мочалов Алексей Юрьевич — Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Аҳмадалиева Муқаддасхон Обидовна — Фаргона вилояти Бувайда туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси
Бобоева Нигора Амиркуловна — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

«Буюк хизматлари учун» ордени билан

Қаюмов Азизхон — ЎзФА академиги, адабиётшунос

«Эл-юрт хурмати» ордени билан

Ахмедов Муҳаммад Али — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси
Ғафурбеков Тўхтасин Ботирович — Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа тарихи ва танқид кафедраси профессори, композитор

Назарбеков Озодбек Аҳмадович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси
Умаров Саидкомил Ҳамраевич — Ўзбек миллий академик драма театри актриси

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Арипова Шоҳида Раҳматовна — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори
Атамуратов Елмурат Турсимуратович — Қорақалпоғистон Республикаси

публикаси Чимбой тумани «Кенес» кишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи директори

Мирзаалиев Иқболжон Мирзақаримович (Иқбол Мирзо) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари
Наубетов Даулетяр Дауишбаевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали травматология бўлими мудир
Рахимов Акбар Муҳитович — Ўзбекистон Бадий академияси академиги, кулол
Холиқова Зулхумор Абдувоҳидовна — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Аваков Вячеслав Еврадович — Тошкент тиббиёт академияси «Анестезиология ва реаниматология» кафедраси профессори
Авезова Нилуфар Раббанакуловна — ЎзФА Физика-техника институти етакчи илмий ходими
Бекчанов Нурулла — Хоразм вилояти Богот тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудир
Ғойипов Норматжон Нишонбоевич — «Ўқитувчи» наشريёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири
Зайтаев Муҳаммаджон — «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи директорининг биринчи ўринбосари
Миршина Ольга Павловна — Республика давлат санитария-эпидемиология назорат маркази коммунал гигиена бўлими мудир
Муҳамедов Шавкат — Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси созандаси
Раҳимова Раъно Сафаровна — Республика Маънавият тарғибот марказининг Жондор тумани бўлими раҳбари
Султонова Ўғиллой Набиевна — Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 3-ихтисослашган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси
Ўсупов Ғулмузакир Есенович — «Нурлы жол» газетаси бош муҳаррири
Ўсупов Зиятуддин Мирқадиревич — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганч ўймакор уста
Ёқубов Бахтиёр Раҳимович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори

Куронов Муҳаммад — Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари вази фасани бажарувчи
Халимов Жамол Намозович — Бухоро вилояти Шофиркон маиший хизмат ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи таъминловчи руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун куйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан
Абдуллаев Мурод Бобоҷонович — Бухоро вилояти Олот тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими болалар реаниматология
Бозорова Турсун Наврўзовна — Навоий вилояти перинатал марказининг чақалоқлар бўлими ҳамшираси
Бортникова Оксана Ивановна — Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 23-сонли ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактабининг синхрон сузиш бўйича мураббийи
Каримов Равшан Раҳимович — Бухоро шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг миллий кураш бўйича мураббийи
Наипова Дилдора Турсуналиевна — «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли хормейстери

Шералиева Саёҳат — Фаргона шаҳар болалар уйи ҳамшираси
«Дўстлик» ордени билан
Абдимов Жигербай — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри актриси
Абдувоҳидов Мубаширхон — Наманган муҳандислик-технология институти «Технологик машина ва жиҳозлар» кафедраси доценти
Азизов Эркин Турсунович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси Наманган вилояти бўлими аъзоси, рангтасвирич рессом
Болтаев Ботир — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими аъзоси, реставратор
Данилова Наталья Адамовна — Республика кўғирчоқ театри актриси
Дурдиев Бармат — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ижодий бирлашмалар ва халқ ижодийтини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари
Исоқова Бўтақўз Камолдиновна — Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси
Маҳмудова Саида Саидқарамовна — Спорт ўйинлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг стол теннис бўйича мураббийи
Муҳаммадалиев Хайдар (Хайдар Муҳаммад) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, драматург
Пак Виктор Николаевич — Ўзбекистон корейс маданий маркази раиси
Расулов Ботиржон Қосимович — Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри бош дирижери
Роговая Татьяна Петровна — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийи
Седухин Сергей Михайлович — «Дийдор» театр-студияси рессоми
Сунатов Одил — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори
Сугано Рейко — Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Япон филологияси» кафедраси катта ўқитувчиси
Тожибоева Назира Отаҳоновна — Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими мудир
Усмонова Зухро Уктамовна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Таржима тахририят бош муҳаррири ўринбосари
Шомуродов Тоғаймурод — Самарқанд вилояти «Зарафшон» газетаси муҳбири
Эргашев Баҳодир Хожиқурбонвич — «Фукаротик жамияти» Гражданское общество-Civil society» журнали бош муҳаррири
Эргашев Раҳим Ражабович — Бухоро вилояти мусиқали драма театри актриси
Эргашова Мухтасархон Йўлдошевна — Андижон вилояти Балиқчи тумани «Аълам» кишлоқ врачлик пункти мудир
Юнусов Дамир Идрисович — «Ўзбекдавлатцирки» республика бирлашмаси артисти
Қадирниязова Кансаят Оразовна — Қорақалпоғистон Республикаси КеҒейли туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

«Шухрат» медали билан

Абдуллаев Икромиддин Нумонович — Фаргона вилояти Бувайда туман «Мақомчилар» халқ ансамбли мусиқа раҳбари
Абдуллаев Мамасоат Ганиевич — Жиззах санъат коллежи бўлим бошлиғи

Абдуллаева Малика Мирзажоновна — Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани «Дўстлик» кишлоқ врачлик пункти ҳамшираси
Абдураимова Нигина Жасурқизи — Теннис бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Абидова Зулфия Дилшодовна — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника офтальмологи
Адилова Саида Арзиевна — Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси 7-сон поликлиника ҳамшираси
Аминова Зиёда Аслоновна — Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири
Аскарлов Маҳмадали Раҳбарович — Тошкент ҳайвонот боғи бўлим мудир
Бобоев Юлдуз — Тошкент вилояти Юқоричирчик туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси
Бобохонова Зебо Абдуллаевич — Тошкент кимё-технология институти «Силикат материаллар ва нодир, камб металллар технологияси» кафедраси доценти
Боймуродов Ашуркул — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шoir
Васова Гулчеҳра Аҳмедовна — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-сон академик лицейининг инглиз тили фани ўқитувчиси
Давлатов Қозоқжон Қўзинович — Республика Маънавият тарғибот марказининг Қорақўл тумани бўлими тарғиботчиси
Давлатов Эркинжон Худойназарович — Навоий вилояти Зарафшон саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Дадаматов Абдукарим Усмонович — «Ўқитувчи» наشريёт-матбаа ижодий уйи босма цехи чоп этувчиси
Жалилов Ботир Қосимович — «Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси қирқув дастгоҳлари машинисти
Дусанова Надия Юсуповна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Ибрагимов Шавкат Худайназарович — Хоразм вилояти телерадиокомпанияси режиссёри
Имомов Иқболжон Мухтарович — Ўзбекистон миллий симфоник оркестри созандаси
Иргашева Дурдона Ёқубжоновна — Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот хавфсизлиги кафедраси мудир
Каримов Мирвосит Мирвосикович — Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази бўлим мудир
Курпийнова Наталья Георгиевна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри хормейстери
Мирзаахмедов Султонмурод Тўхтамуродович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбектеlevision» студияси постановкчи-оператори
Мирсаидова Муқаддас Олимхўжаевна — Қашқадарё вилояти Қарши тумани тиббиёт бирлашмаси кишлоқ врачлик пункти мудир
Мукумова Розия Жўраевна — Сирдарё вилояти кўзи оғизлар махсус ахборот-ресурс марказининг бўлим мудир
Муталов Дилшод Азизович — Ўзбек давлат академик халқ чолғулари оркестри бадий раҳбари — бош дирижери
Намуратов Эшбек Кунгурович — Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги «Чавқи» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳбари
Носирова Муяссар Азизовна — Фаргона вилояти перинатал маркази бўлим мудир
Нигманова Маффуза Муҳиддиновна — «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехи буклов машинаси машинисти

Нишонов Хусан Маҳмарайимович — «Маърифат» газетаси бош муҳаррири ўринбосари
Нуралиева Гулноза Саъдуллаевна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази 1-шошилинч педиатрия бўлими мудир
Нуриддинова Жамилахон Икромовна — Фаргона вилояти Кува туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси
Обрўева Гулчеҳра Ҳамроқуловна — Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз тили фонетикаси кафедраси мудир
Ортиқов Шавкатжон Зокиржонович — «Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири
Парпиев Алишер Хожимуродович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали режиссёри
Ражабов Ислон Аъзамович — Қарши санъат коллежи ўқитувчиси
Ражапов Бахтиёр Бобомуродович — Қашқадарё вилояти Қасби туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси
Расулов Абдухамидулла Эркинович — Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефереси
Раҳимов Миршоҳид Собитович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телеканал бош мутахассиси
Раҳматов Жамила Адизовна — Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Раҳмонова Насибхон Турсуновна — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани «Хуррият» кишлоқ врачлик пункти мудир
Рузметова Оксана Азодовна — Хоразм вилояти Хива туманидаги 20-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси
Содиқов Илҳом Исмоилович — ЎзФА Ядро физикаси институти лаборатория мудир
Сасмаков Собиржон Анарматович — ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институти катта илмий ходими
Сатторов Қаҳрамон Ўроқбоевич — Ангрэн ахборот технологиялари ва саноат касб-хунар коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси
Сафарова Холбиби Хотамовна — «Махалла» болалар ортопедия маркази чаноқ-сон бўғими патологияси бўлими мудир
Шодиев Маҳмадҷон Маҳмуджонович — «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири
Усмонова Дилдор Усмоновна — Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси
Усмонова Луиза Тўхтасиновна — Жиззах тумани «Жиззахлик» кишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори
Файзиматов Музаффар Азамович — Республика болалар ортопедия маркази чаноқ-сон бўғими патологияси бўлими мудир
Хайдарова Зулхумор Расуловна — Андижон вилояти Олтинкўл тумани тиббиёт бирлашмаси кишлоқ врачлик пункти мудир
Ҳақназаров Мамараҳим Абдукаримович — «Сайхун йиғитлари» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳбари
Хўжаева Гулбахор Тожевна — Навоий вилояти Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмаси неонатология
Худойберганава Максуда Хайдаровна — Ғафур Фулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехи муқоваловчиси

Абдуллаев Икромиддин Нумонович — Фаргона вилояти Бувайда туман «Мақомчилар» халқ ансамбли мусиқа раҳбари
Абдуллаев Мамасоат Ганиевич — Жиззах санъат коллежи бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 22 август



Термиз бутунлай қайта қурилиб, замонавий шаҳар тусини олди. Шаҳар марказида туриб атрофга қаранг, исталган томонга юринг, бири-бирдан мухташам кўпқаватли уйлар, санъат ва спорт қошоналари, истироҳат боғлари, кенг раво йўллари кўрасиз.

СУРХОНДАРЁ:

Бу гўзал ва бетакрор юртда истиқомат қилаётган одамлар эртанги кунга катта ишонч билан яшамокда

— Ҳа, йил эмас икки-уч йил илгари Термизда бўлган киши бугун келса, шаҳарни таний олмайди, — дейди **Сурхондарё вилояти қасаба уюшмалари федерацияси раиси, ЎзДПдан вилоят кенгаши депутаты Абдукарим Аҳмедов**. — Ҳа, йил эмас икки-уч йил илгари Термизда бўлган киши бугун келса, шаҳарни таний олмайди, — дейди **Сурхондарё вилояти қасаба уюшмалари федерацияси раиси, ЎзДПдан вилоят кенгаши депутаты Абдукарим Аҳмедов**. — Ҳа, йил эмас икки-уч йил илгари Термизда бўлган киши бугун келса, шаҳарни таний олмайди, — дейди **Сурхондарё вилояти қасаба уюшмалари федерацияси раиси, ЎзДПдан вилоят кенгаши депутаты Абдукарим Аҳмедов**.

Ҳа, йил эмас икки-уч йил илгари Термизда бўлган киши бугун келса, шаҳарни таний олмайди, — дейди **Сурхондарё вилояти қасаба уюшмалари федерацияси раиси, ЎзДПдан вилоят кенгаши депутаты Абдукарим Аҳмедов**. — Ҳа, йил эмас икки-уч йил илгари Термизда бўлган киши бугун келса, шаҳарни таний олмайди, — дейди **Сурхондарё вилояти қасаба уюшмалари федерацияси раиси, ЎзДПдан вилоят кенгаши депутаты Абдукарим Аҳмедов**. — Ҳа, йил эмас икки-уч йил илгари Термизда бўлган киши бугун келса, шаҳарни таний олмайди, — дейди **Сурхондарё вилояти қасаба уюшмалари федерацияси раиси, ЎзДПдан вилоят кенгаши депутаты Абдукарим Аҳмедов**.

Қарши — Термиз темир йўли участкасини электрлаштириш, вилоят ҳудудидан ўтувчи темир йўллари таъмирлаш кўзда тутилган. Бу лойиҳа юзасидан ҳам улкан ишлар бажарилаяпти.

Мустақиллик йилларида Термизда амалга оширилган ишларни санаб ўтириш унчалик ўринли бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, Термиз бутунлай қайта қурилиб, замонавий шаҳар тусини олди.

Шаҳар марказида туриб атрофга қаранг, исталган томонга юринг, бири-бирдан мухташам кўпқаватли уйлар, санъат ва спорт қошоналари, истироҳат боғлари, кенг раво йўллари кўрасиз. Гуллар, ашил майдончалар, дарахтлар кўплигини айтмайсизми...

Бугун ҳам бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмокда.

2014-2015 йилларда Осиё тараққиёт банки иштирокида Термиз шаҳри аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш ва каналлизация тармоқларини реконструкция қилиш режалаштирилган ва у жадал давом этмокда.

Бундан ташқари, вилоятдаги 65 аҳоли пунктининг бу бебаҳо неъматга бўлган эҳтиёжи тўлиқ таъминланади. Қўшимча чора-тадбирлар асосида 34 қишлоқ аҳоли пунктларида сув таъминоти янада яхшиланади. Бундай эзгу ва хайрли ишларга 9200,0 минг доллар маблағ сарфланиши мўлжалланган.

Бундай кенг қўламли ишлар нафақат Термиз шаҳрида, балки Сурхон воҳасида барча жабҳалар-

нинг йил сайин барқарор ўсаётганидан далолат беради.

Айни кунларда вилоятда 1 минг 900 га яқин йирик саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмокда. Маҳаллий ва хорижий компаниялар иштирокида ташкил этилган «Сурхонпахтасаноат», «Жаркўрган нефтни қайта ишлаш», «Шўрчи дон маҳсулотлари», «Шиндонг-Спининг-Термиз», «Сурхон-Термиз-Силк», «Сурхон-озиковқатсаноат» ва бошқа ўнлаб корхоналарда тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар хорижда ҳам ўз миқозларини топомқда.

— Мустабид тузуми даврида бирор йирик ишлаб чиқариш корхонаси йўқ бўлган, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳомашё этиштирадиган вилотимизда Мустақиллик шарофати билан ўнлаб йирик корхона ва заводлар ишга тушди, — дейди **Жаркўрган туманидаги «Charogon tekstil» фабрикаси ижрочи директори, ЎзДП бошланғич партия ташкилоти етакчиси Абдувоҳид Тошбоев**. — Фабрикамиз ҳам ана шундай йирик мажмуалардан бири ҳисобланади. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясига қарашли корхона ўтган йили иш бошлаган эди. Айни кунларда бу ерда 250 нафардан ортиқ ёшлар ва коллеж битирувчилари меҳнат қилмокда. Фабрикада болалар, аёллар ва эркеклар кийимлари, маҳсус иш кийимлари, турли тўшам ҳамда чойшаблар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Унинг умумий лойиҳа қиймати 417 минг АҚШ долларига бўлиб, барча жиҳозлар Япониядан келтирилган. Келажакда 500 киши бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Ҳозир маҳаллий бозорга маҳсулот етказиб берилаётган бўлса, яқин йилларда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан бизнинг маҳсулотлар дунёга чиқади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан воҳада барча манбалар ҳисобидан лойиҳа қиймати 303 миллиард 333 миллион сўмдан ортиқ турли бунёдкорлик ишларини амалга ошириш мўлжалланган.

Бойсун, Қизириқ Ангор, Шеробод, Шўрчи, Қумкўрган, Музработ, Узун туманлари ҳамда Термиз шаҳрида маданият ва дам олиш хий-

бонлари қурилиб, реконструкция қилинса, қишлоқлар таркибида гўзаллик саломи, таъмирлаш, тикувчилик, маиший техникаларга хизмат кўрсатиш шохобчиси бўлган маҳсус мажмуалар иш бошлайди.

Ўтган уч йил давомида воҳада 2 мингдан ортиқ намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурил-



ди. Жорий йилда ана шундай кўркам ва шинам 887 уйда ҳовли тўйлари ўтказилади. Ёш оилаларнинг уй-жой сотиб олиши, қуриши ва реконструкция қилиши учун вилоятдаги тижорат банклари томонидан 13399,7 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган.

Ёшлар таълим-тарбияси доимий эътиборда. Жорий йил воҳада 14 коллеж, 30 умумтаълим мактаби, 11 спорт иншооти ҳамда муסיқа ва санъат мактаблари фойдаланишга топширилади.

Аҳоли саломатлигини асраш учун вилоят рекасида 20 га яқин ва туманлардаги 6 тиббий муассасаларда реконструкция ишлари бажарилади. 2014-2017 йилларда эса шаҳар ва туман поликлиникаларидаги болалар стоматология хоналари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланади.

Жорий йилда ҳудудда мингга яқин истиқболли лойиҳалар амалга оширилади. Ўтган даврда умумий қиймати қарийб 17 миллион АҚШ долларини ташкил қиладиган 500 га яқин ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилиб, 638 миллиард сўмлик са-

наот маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,4 фоизга кўпдир. Ишлаб чиқарилган истеъмол маҳсулотларининг ҳамжи 244,0 миллиард сўмини, ўсиш суръати эса 11,4 фоизни ташкил қилган.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш доимий эътиборимизда, — дейди **Сурхондарё вилоят Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Абдусалом Жўракулов**. — Жорий йилда вилотимизда 66 минг 96 иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Ишга қабул қилинганларнинг асосий қисмини коллеж битирувчилари ва хотин-қизлар ташкил этади. Йил якунига қадар Термиз шаҳридаги «Барлос» масъулияти чекланган жамияти томонидан қуввати 15 минг донага тенг маиший техника маҳсулотлари, Шўрчи, Қумкўрган, Денов ва Жаркўрган туманларида ип-калава, мато ҳамда газлама ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилади. Сароисий туманида эса йилга 10 миллион жуфт пайпоқ тайёрлайдиган мажмуа иш бошлайди. Шеробод туманидаги цемент заводи тўла қувват билан ишласа, Шарғун ҳамда Бойсундаги «Тўда» кўмир конлари, «Сурхон-озиковқатсаноат» ишлаб чиқариш корхонаси модернизация қилинади. Бундай улувдор ишлар орқали аҳоли бандлиги таъминланади ва воҳа халқининг турмуш фаровонлиги янада ошади.

— Ўзбекистон — жаннатмонанд ва бетакрор ўлка, — дейди **япониялик таниқли археолог олим, «Дўстлик» ордени соҳиби Кюдзо Като**. — Ҳаётимнинг катта қисми Сурхондарё вилояти-



Хом сут фойдали

қачонки сигир ўтлоқда боқилса



Барчамизга яхши маълумки, бугунги кунда кўпчилик сутни хомлигидан ичишдан ўзини тияди. Бу бежиз эмас. Негаки, касалликка йўлиқиб ҳеч гап эмас. Шу боис ҳам хом сутни пастеризация (озик-овқат маҳсулотларини зарарли микроблардан сақлаш учун 100 даражадан юқори бўлмаган ҳароратда қиздириш) қилиш дунё бўйича амалиётга жорий этилган.

Аслида бундай амалиёт 1893 йил нью-йорклик тадбиркор Натан Штраус томонидан дунёда илк бор қўлланган. Ушанда унинг қизи хом сут ичиб захарланиб ва ўпка силдан ноуб бўлади. Бу касаллик унга айнан хом сутдан юқанлиги шифокорлар томонидан тасдиқланган, Натан пастеризация масаласини амалиётга жорий этади. Натанида бу ўз самарасини бериб, аста-секин дунё ҳамжамияти пастеризация усулини қўллаш бошлаган. Гарчи, бу усулда сут таркибидagi фойдали витаминлар ва бактериялар, протеинлар йўқолиб кетса-да, микроблардан ҳоли бўлгани учун амалиётда хануз қўлланмокда.

Бирок АҚШлик Марк Макафи исмли фермер бугунги кунда ҳам савдога хом сут чиқаради. Калифорнияда унинг 400 та дўкони мавжуд бўлиб, барчасида хом сут сотилади. Шу пайтгача ҳеч қим ундан касалланмаган.

Бунинг сабаби фермерлар томонидан анча йиллар муқаддам аниқланган. Марк сигирларини кишин-ёзин кенг ўтлоқзорларда боқди. Ҳатто соғиш ҳам ўша ернинг ўзида амалга оширилади.

Марк Макафининг айтишича, дейлади «Мир новостей» хафталиги чоп этган ахборотда, индустриалашган фермаларда сигирлар хашақдан ташқари дон билан ҳам боқилади. Айнан шу дон эса сут таркибини «бузади». Шунинг учун у пастеризация қилишни талаб этади.

Маълум бўлишича, дон сигир ошқозонида кислота даражасини оширади, бу эса сут таркибида хавfli бактериялар кўпайишига олиб келади. Ўтлоқда боқилган сигирларда эса бундай ҳусуят юзага келмайди ва шу боис унинг сутини хомлигидан ичиш жуда фойдалидир.

Хатирчи майизи хорижга экспорт қилинади

Реклама ўрнида

Мамлакатимизда етиштирилаётган поллиз ва боғдорчилик маҳсулотларининг довуғи дунёга машхур. Ўзбекистон қовуни, олмаси, олхўриси дейсизми, бир татиб кўрган одамнинг ёдидан чиқмайди. Лекин мустақилликдан кейингина бу маҳсулотларни экспорт қилиш йўлга қўйилди. Бунинг учун ҳуқуқий асослар яратилди. Хусусан, Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори катта имкониятлар яратиб берди.

Хатирчи майизи ва моши эса нафақат вилоятда, балки республикаимиз бозорларида ҳам ўз харидорига эга. Кўш нуридан тўйиб бахра олиб етилган маҳсулотлар таъми тилинганда қолиши табиий. Яқинда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Навоий филиали кўмаги билан ана шу маҳсулотларимизни Хиндистон давлатига экспорт қилиш бўйича шартнома амалга имзолашга эришдик. «GOLDEN STREAM IMPEX PVT.LTD» компанияси билан тузилган умумий миқдори 390 минг долларни ташкил этувчи шартномада белгилангандек маҳсулотлар сентябрь ойининг илк кунларидан бошлаб ўз эгаларига етказиб берила бошланади.

Жорий йилда маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилган бўлса, келгуси йилда уни янада кўпайтиришни режалаштирганмиш. Ҳамкорлик қилиш истагида Ўзбекистонга келган хиндистонлик тадбиркорлар юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш борасида яратиб берилган имкониятларни катта мамнуният билан таъкидлашди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда бизни қўллаб-қувватлашга изчил эътибор қаратиб келинмокда. Жамғарма томонидан берилаётган кўмак ҳам ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни жаҳон бозорига харидоригар бўлишни таъминламокда. Қолаверса, фаолиятимиз кенгайиши натижасида янги иш ўринлари яратилди. Қўллаб ёшлар, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчилари ишга қабул қилинмокда.

Раимберди БОЙМУРОВОВ,
«Қорақиймиш тасмаси» МЧЖ раҳбари.



Ўза олган суратлар.

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» республика кўриқ-танловчи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирилар ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ва санъат намояндалари, маънавият тарғибчилари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков, Ўзвучилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазраткулов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намоён этиши учун барча имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори илм-фан, маърифат, маданият ва санъат соҳаларини раванқ топтириш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклашга алоҳида аҳамият қаратилмокда. Бу борадаги эзгу сазъ-харақатларда ижодкорларни навқирон авлодни ватанпарварлик, фидойилик, истиқлол гояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи юксак савияли, бадий жиҳатдан мукамал асарлар яратишга руҳлантириш, самарали меҳнат қилаётган юртдошларимиз меҳнатини эъозлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмокда.

Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига

Энг улуг, энг азиз байрам — ижодкорлар нигоҳида

асосан шу кунларда мустақиллигимизнинг 23 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик жараёни қизғин тус олган. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирилик, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзвучилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Бадий академия, «Тасвирий ойна» уюшмаси, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар томонидан «Энг улуг, энг азиз» Республика кўриқ-танловчи юкори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўтулғ байрам арафасида ижодий беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари бўлиб

ўтди. Танловга тақдим этилган ижодий ишларда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу гоё ўз ифодасини топган. Танловнинг республика босқичига адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино йўналишлари бўйича тўрт юзга яқин ижодкордан қарийб беш мингта иш тушди.

Тақдим этилган асарларда истиқлолнинг маъно-мазмуни, халқимиз танаб олган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий экани, ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида эришилган ютуқ ва марраларнинг маънум-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга ҳаётий, таъсирчан, содда ва айни дамда самимий, ўзига хос ижодий ёндашув асосида очиб берилганига эътибор қаратилди.

— Истиқлол ижод ахлига эркин ва самарали фаолият кўрсатиш, ўз салоҳиятини тўла намоён этиш имконини берди, — дейди танлов голиби, кино режиссёр Аюб Шаҳобидинов. — Бугун мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқ ва марралар Ватанимиз тараққиёти, жамият ҳаёти билан бирга юртдошларимизнинг тақдирида, онгу тафаккури, кайфияти ва руҳидаги ижодий ўзгаришларда ўз ифодасини топомқда. Буларнинг барчасини тараннум этиш бизга катта масъулият юклайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ижод ахлига кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Танлов якунида турли йўналишлар бўйича голиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назозат УСМОНОВА,
Ўза муҳбири.



ФАРҶОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

**юртимиз ободлиги, иқтисодиётимиз
ривожига, элимиз манфаати йўлида
меҳнат қилаётган барча
ватандошларимизни Мустақиллик
байрами билан муборакбод этади!**



**Барчага мустаҳкам
соғлиқ, янгидан-янги
муваффақиятлар
тилайди.**

**Мустақиллик йиллари корхонамиз учун
барқарор ривожланиш, янгиланиш ҳамда
изчил юксалиш даври бўлди. Халқимизга
тараққиёт ва фаровонлик олиб келган
мустақиллигимиз абадий бўлсин!**

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 23 йиллик байрамини бизнинг корхонамиз жамоаси ҳам катта ютуқлар билан кутиб олмақда.



Корхонамиз ишчи-хизматчилари мустақилликнинг беқиёс имкониятларини ўз пақдири, оиласи фаровонлиги мисолида кўриб турибди.

Энг улуғ ва энг азиз байрам билан барчангизни муборакбод этамиз. Ватанимиз бундан-да гуллаб-яшнасин, мустақил юртимизга кўз тегмасин!



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 860
11449
nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20.55
Topshirilgan vaqti — 00.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV,
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5